

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ ВА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ  
ЭТИШ МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**“Архитектуравий лойиҳалаш”**

**фанидан талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ижодий  
иш шаклида ташкил этиш дастури, баҳолаш мезонлари ва ўтказиш**

**ТАРТИБИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

## КИРИШ

Талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ўтказиш бўйича тузилган ушбу дастур «Архитектуравий лойиҳалаш» фанлари ўқитиладиган Олий таълим муассасаларига мўлжалланган.

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув режаси, Давлат таълим стандартлари, малака талаблари ҳамда намунавий фан дастури асосида тузилган.

Мазкур дастурда 5340100 – “Архитектура” (турлари бўйича), 5341000 “Қишлоқ ҳудудларини архитектура-лойиҳавий ташкил этиш» таълим йўналишлари учун «Архитектуравий лойиҳалаш» фанидан ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадасини ўтказиш ҳақида маълумотлар берилган.

### Ташкилий қўмита таркиби:

Р.И.Нуриμβетов	-Раис, Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
А.Мамадалиев	-Раис ўринбосари, ОўМТВ Иқтидорли ёшларни саралаш, академик лицейлар ва ихтисослашган таълим муассасалари бўлими бошлиғи
Д.А.Бегматова	-масъул котиб, “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси ассистенти
Ш.С.Рейимбаев	ТАҚИ, “Архитектура факультети декани, доцент.
А.О.Хасанов	-аъзо, ТАҚИ, “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мудири, доцент.
Б.И.Иногомв	-аъзо, ТАҚИ, “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти,
Ш.Х.Юнусов	-аъзо, ТАҚИ, “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси доценти,
А.М.Умаров	-аъзо, Тошкент шаҳар Aziz Projekt МЧЖ директори. арх.ф.н
Т.Ш.Маматмусаев	-аъзо, ТАҚИ, “Архитектура тарихи ва назарияси ” кафедраси мудири, арх.док.доц.
Д.З.Салоҳиддинова	САМДАҚИ “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси мудири, арх.ф.н.
М.Б.Сетмаматов	УрДУ техника факультети “Қурилиш ва архитектура” кафедраси мудири арх.ф.н. доцент.

## **I. боб. Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур дастур талабалар ўртасида Республика онлайн фан олимпиадасини (кейинги ўринларда Олимпиада деб юритилади) ташкил этиш, ўтказиш ҳамда унда қатнашиш ва олимпиада ғолибларини аниқлаш тартибини белгилайди.

1.2. Олимпиадани ўтказишга Вазирлик ҳузуридаги Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси, Таълим муассасаларида электрон таълимни ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент архитектура Қурилиш институти масъул ҳисобланади.

1.3. Олимпиада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги “Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 176-сон қарорида белгиланган талабларни инобатга олиб, олий таълим муассасалари (кейинги ўринларда ОТМ деб юритилади) талабаларининг мутахассислик ва умумқасбий фанлар бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш, ривожлантириш ва уларнинг истеъдодларини рўёбга чиқаришга кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган.

1.4. Олимпиадани ташкил этиш юзасидан Вазирликнинг буйруғи асосида Олий таълим муассасалари талабалар ўртасида ўтказиладиган республика фан олимпиадасини онлайн шаклида ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби юқоридаги шакл бўйича тасдиқланган.

1.5. Ташкилий қўмита олимпиаданинг ташкилий-техник ва ахборот тизимларини ташкил этиш, олимпиада ғолиблари ва иштирокчиларини рағбатлантириш вазифаларини таъминлайди.

1.6. Олимпиада ҳар бир Олий таълим муассасаси томонидан таълим муассасининг тавсиясига биноан 3 та гача талаба иштирок этиши мумкин ҳамда ушбу иштирокчилар учун ягона ахборот порталини яратиш ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш ҳамда назорат қилиш талаба таҳсил олаётган олий таълим муассасаси томонидан амалга оширилади.

1.7. Олимпиада “Архитектуравий лойиҳалаш” фанидан ижодий иш тақдимооти шаклида ўтказилади.

1.8. Олимпиаданинг адолатли ўтказилишини назорат қилиш ҳамда натижаларини таҳлил этиш вазирликнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармаси ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

## **II. боб. ФАН ОЛИМПИАДАСИНИ ОНЛАЙН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

2.1 Олимпиада жорий йилнинг май ойининг 26 куни ўтказилади.

2.2. Олимпиада иштирок этувчи талабалар жорий йилнинг 5-15 май кунлари вазирликнинг [olimpiada.edu.uz](http://olimpiada.edu.uz) портали орқали танлаган фани бўйича электрон рўйхатдан ўтишлари керак.

2.3 “Архитектуравий лойиҳалаш” фани бўйича рўйхатдан ўтган талабалар сонидан келиб чиққан ҳолда, олимпиадани ўтказиш тартиби бўйича қўшимча

маълумотлар жорий йилнинг 20 май куни [olimpiada.edu.uz](http://olimpiada.edu.uz) порталига жойлаштирилади.

2.4. Электрон рўйхатдан ўтган талабаларни шахсини тасдиқлаш ишлари ОТМлар томонидан жорий йилнинг 18-20 май кунлари амалга оширилади.

2.5 «Архитектуравий лойиҳалаш» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси алоҳида келишилган жонли видео конференция тизимлари (Zoom, JitsiMeet) орқали тўғридан-тўғри яъни, онлайн тарзида ўтказилади ва назорат қилинади. Шу сабабли иштирок этувчи талабалар ва уларнинг илмий раҳбарлари (ҳар бирлари алоҳида) шахсий ноутбук, компьютер ёки мобил телефон қурилмаларига видео конференция тизимларидан (Zoom, JitsiMeet) фойдаланиш имкониятини берадиган дастурини ва иловаларни юклаб олиши ва уни техник соз ҳолатда бўлишини таъминлашлари зарур. Олимпияда ҳужжатларини, иштирокчилар бажарадиган ишларни, тарқатма материалларни қабул қилишда, алмашишда ва хайъат аъзолари ўзаро мулоқат ўрнатишда бошқа алоқа тизимлари (telegram) ҳам қўлланилиши кўзда тутилган. Талабалар берилган топшириққа тайёргарлик кўраётган ва унга жавоб бераётган вақтда уларнинг ёнида ҳеч ким бўлмаслиги, ҳалақит бермаслиги (асосан илмий раҳбарлари) бўлса ҳам номутахассис шахс бўлиши талаб этилади. Барча ОТМлари юқоридаги масалалар юзасидан талабалар ва уларнинг илмий раҳбарларига шарт-шароитлар яратиб бериши ва номақбул ишларни олдини олишлари зарур.

2.6. Талабалар танлаган фанлари бўйича олимпиада учун жадвал асосида [olimpiada.edu.uz](http://olimpiada.edu.uz) порталига киришлари лозим бўлади йўналишларнинг фанлари бўйича маъсул ОТМ томонидан берилган вазифаларни барча талаб ва тартибларга риоя қилинган ҳолда бажариб беришлари лозим.

2.7 Олимпиада ўтказилган “Архитектуравий лойиҳалаш” фани бўйича ижодий иш шаклидаги топшириқлар натижалари маъсул ОТМ томонидан 24 соат ичида тақдим этилган маълумотлари асосида [olimpiada.edu.uz](http://olimpiada.edu.uz) портали орқали эълон қилинади.

2.8. Олимпиада иштирокчиларининг ахборот-коммуникация технологияларининг имконияти ва қурилмаларидаги техник носозликлар бўйича шикоят ва аризалар кўриб чиқилмайди.

2.9 Олимпиадани ўтказиш жараёни ва натижалари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситаларида ҳамда Вазирлик, ОТМ расмий веб-сайтларида ёритилади.

### **III.606. ФАН ОЛИМПИАДАСИНИНГ ТУРИ ВА ШАКЛИ**

3.1 Олимпиядани онлайн ўтказиш мақсадида “Fan Olimpiadasi - Архитектура 2020” махсус телеграм-гурух яратилган. (Уланиш учун ҳавола -

[https://t.me/arxitektura\\_olimpiada](https://t.me/arxitektura_olimpiada)) “Архитектуравий лойихалаш” фани бўйича қатнашувчилар ушбу каналга уланишлари мумкин.

3.2 Олимпиядани 1-тури белгиланган куни эрталаб 8:30 да бошланади унда қатнашувчи талабалар 30 минут давомида регистрациядан ўтишади ҳамда ўзлари учун белгиланган учта (3) та мавзудан биттасини танлашади.

3.3. 1-тур соат 9:00 да бошланади. 1-тур учун 4 соат вақт ажратилади. Иштирокчилар танланган вариант бўйича ижодий ишни бажарадилар ва соат 13:00 га қадар бажарган ишларни комиссия аъзоларига телеграмм канали орқали топширилади. Топшириладиган иш битта (1та) умимийлаштирилган (компановка қилинган) файлдан (расмдан) ташкил топган бўлиши шарт. Иштирокчи имкониятидан келиб чиққан ҳолда қўшимча қилиб вазифасини битта (1та) мультимедиа тақдимот (презентация) кўринишида ҳам топшириши мумкин.

3.4 Файллар қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт.

Расм: ранг режими – RGB; оғирлиги – максимум 50 Mb; формат- jpg., png., tiff., gif. Тақдимот: оғирлиги – максимум 50 Mb; формат –mp4., ppt., pptx.

3.5 2-тур шarti бўйича талаба ўзи бажарган лойиҳа ишини барча талаблар бўйича оғзаки ҳимоя қилиши ва эксперт ҳайъати томонидан берилган саволларга жавоб бериши керак. 2-тур соат 14:00 да бошланади. Оғзаки ҳимоя қилиш учун хар битта иштирокчига 5-7 дақиқа ва савол жавоб учун 5-10 дақиқа вақт берилади.

3.6 Комиссия аъзолари бевосита талабалар томонидан бажарилаётган иш жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришади.

3.7 Комиссия аъзолари топширилган ижодий ишларни баҳолашда алоҳида яратилган видео-конференция ёки телеграм-канал орқали амалга оширишади.

3.8 «Архитектуравий лойиҳалаш» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси 1 кун давомида иккита турда ўтказилади:

**1-тур шarti– Ижодий: Берилган мавзу бўйича А1 планшетда қўл графикасида эскиз-клаузура чизиш.**

**2-тур шакли – Лойиҳа ишини ҳимоя қилиш (оғзаки савол -жавоб).**

3.9 1-тур шarti бўйича 3 та мавзудан бири танланиб, лойиҳа иши клаузура шаклида топшириқда берилган барча талаблар бўйича тўрт (4) астрономик соат (240 минут) мобайнида чизиб тугатишлиши лозим. Топшириқ бўйича 55x75 ўлчамли планшетга бино бош режаси, қаватлар тархи, қирқим, тарзий ечимлар ва лойиҳа ишининг перспектив кўриниши барча талаблар бўйича тўлиқ чизиб тугатилиши керак.

3.10 Эскиз-клаузурани бажариш учун мавзулар:

- 1) Ижодий устахона;
- 2) 50 ўринга мўлжалланган кафе;
- 3) Автотуристтик меҳмонхона (Мотель)

**3.11 2-тур** шарти бўйича талаба ўзи бажарган лойиҳа ишини барча талаблар бўйича оғзаки ҳимоя қилиши ва эксперт ҳайъати томонидан берилган саволларга жавоб бериши керак. Оғзаки ҳимоя қилиш 5-7 дақиқа ва савол жавоб учун 5-10 дақиқа вақт берилади.

#### **IV. 606. БАҲОЛАШ МЕЗОНИ ВА БЕЛГИЛАНГАН ВАҚТ**

«Архитектуравий лойиҳалаш» фани бўйича ўтказиладиган талабалар Республика онлайн фан олимпиадаси бўйича тур кесимида баҳолаш мезони қуйидагича амалга оширилади: Тур жами 300 баллик тизимда баҳоланади. Жумладан: 1-тур 200 балл, 2-тур – 100 балл.

<b>№</b>	<b>1-тур баҳолаш мезони</b>	<b>мак. балл</b>
1	Берилган мавзу бош режасининг тўғри бажарилиши асосий объектлар ва уларни ташкил этувчи деталлар ва элементлар кўрсатилиш даражаси, Техник иқтисодий кўрсаткичларни (ТИК) кўрсатилиши.	<b>30 балл</b>
2	Биоларни лойиҳалашда функционал ва технологик талабларни билиши ва ижодий клаузурада мустақил қўллай олиши, камчиликларга йўл қўйилмаганлиги	<b>25 балл</b>
3	Лойиҳанинг архитектуравий композицион ечимини ижодий кўрсата олиши (замонавийлик, креативлик)	<b>75 балл</b>
4	Бинони лойиҳалашда конструктив ечимни тўғри ҳал этилганлиги.	<b>40 балл</b>
5	Лойиҳанинг график ечими ва лойиҳа ишини тўлиқ тугатганлиги.	<b>30 балл</b>
<b>Жами:</b>		<b>200 балл</b>

**Ажратилган вақт: 4-соат (240 дақиқа)**

<b>2-тур баҳолаш мезони</b>		
<b>№</b>	<b>Баҳолаш мезони</b>	<b>мак.балл</b>
1	Амалий иш бўйича ижодий фикр, ўз ғоясини аниқ тилда ижодий ёрита олиши; Барча қисмлар бўйича етарли маълумотларни етказа олиши ва қабул қилиши.	<b>20 балл</b>
2	Архитектуравий лойиҳаларини функционал ечимлари, функция ва шакл, композицион шаклланганликни тасвирлай олиши ва уни тушунтира олиши ва тасаввурга эга бўлиши.	<b>20 балл</b>

3	Замонавий лойиҳавий ечим, конструкция, инновацион энергия самарадор ғояларни қўлланилиши ва уни етказ олиши	20 балл
4	Берилган савол жавобларга далил, ҳаққоний соф тилда жавоб бера олиши ёлғон маълумотлар келтирмаслиги тушуниб етиши. Саволларга жавоб бериш қобилияти: аниқ ва асосли.	20 балл
<b>Жами:</b>		<b>80 балл</b>

<b>Қатнашувчининг шахсий ишлари</b>		
1	Республика миқёсидаги ОАК журналларида мақоласи нашр қилинганлиги	4
2	Хорижий ва республика конференцияларда иштироки ва мақоласининг чоп этилганлиги	3
3	Давлат стипендияси совриндорлиги	4
4	Давлат грантлари дастурларидаги иштироки	3
5	Лойиҳавий ишланмаларда қатнашганлиги	3
6	Танловларда қатнашганлиги ва бошқа ютуқлари	3
<b>Жами:</b>		<b>20 балл</b>

**Жами: 100 балл**

### **V-боб. Олимпиадани яқунлаш тартиби**

Олимпиада натижалари Ташкилий қўмита томонидан вазирликнинг Олий таълим стандартлари ва норматив таъминоти бош бошқармасига жўнатилади. Натижалар вазирлик томонидан эълон қилинади.

### **VI-боб. Низоларни кўриш тартиби**

Олимпиада натижалари эълон қилингандан сўнг 24 соат ичида тушган ёзма шикоят ва аризалар Ташкилий қўмита томонидан онлайн шаклда жисмоний ва юридик шахслар мурожаати тўғрисидаги қонунга мувофиқ ҳал этилади.

**Эслатма!** Агарда талаба фан олимпиадаси давом этаётган даврда ўзи ёки ўзи таҳсил олаётган ОТМ томонидан йўл қўйилган техник носозликлар сабабли онлайн алоқадан чиқиб кетса;

Илмий раҳбари ёки бошқа мутахассисдан ёрдам олса;

Тайёр (олдиндан тайёрлаб қўйилган) лойиҳалардан фойдаланишга уринса ва шу каби номақбул ишларни амалга оширса, бу ҳолатда шаффофлик ва ҳаққонийликни таъминлаш мақсадида талаба фан олимпиадасидан четлаштирилади ва баённома билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳолат бошқа ОТМларида такрорланмаслигини таъминлаш мақсадида ушбу талаба ва у таҳсил

олаётган ОТМ раҳбариятига қатъий чора кўриши учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига расмий хат билан мурожаат қилинади.